



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

1339/6 – сонли

2021 йил 14 апрел

Наманган шаҳри

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2021 йил 5 мартдаги 120-сонли буйруғи  
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғига мувофиқ тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган” “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш, тизимда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва бу борада самарали тизимни шакллантиришга қаратилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 5 мартдаги 120-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 5 мартдаги 120-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.


2. **Комплаенс назорат бўйича масъул (Б.Талапов)га:**  
2021 йил апрель ойи охирига қадар “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида тартиби” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича хабар бериш тартиби тўғрисида низом”нинг мазмун-моҳияти ҳақида университетнинг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларига тушунтириш вазифаси юклатилсин.

3. Вазирликнинг ахборот хизмати тизимидаги коррупцион ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган “anticoredu” расмий телеграм боти ташкил этилганлиги иш жараёнида инобатга олинсин.

4. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Н.Дехканов зиммасига юклатилсин.

**Асос:** Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 5 мартдаги 120-сонли буйруғи.

Ректор



С.Турғунов